

O'ZBEKİSTON
TARIХI

HISTORY OF UZBEKISTAN

2/2009






O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

2
2009



Мундарижа

Тошкентнинг 2200 йиллигига

- М. Хатамова. Турк хоконларининг Чочдаги қароргоҳлари: Жабгуат ва Хотункад 3

Мақолалар

- Н. Тошев. Мухаммад Йусуф Баёний девонбеки бўлганми? 14
С. Мадъярова. Мухтор Бакир ва унинг ижтиёмий-сиёсий қарашлари (Миллий мустакиллик учун кураш саҳифаларидан) 26

Тарихшунослик

- Ш. Асадова. Тарих ва сиёсат муносабатининг наазарий жиҳатларига доир (Ўзбекистон мисолида) 34

Ўзбекистон тарихи хориж тадқиқотларида

- С. Ахмедов. Озарбайжон тарихи миллий музей колекциясидаги ноёб ханжар 46
М. Зейналова. Бухоро амирининг Озарбайжон тадбиркорига совгаси 55

Ёши тадқиқотчи минбари

- Д. Дутураева. Қорахитойлар давлатининг ташкил топиши тарихига доир 66
М. Зикруллаев. «Уламо жамияти» нинг Тошкент шахар Думасидаги фаолияти 73

Илмий ҳаёт

Jurnalga 1998-yil
iyulda asos solindi

Bir yilda to'rt
marta chiqadi

Toshkent
O'zbekiston
Respublikasi Fanlar
akademiyasi
«Fan» nashriyoti

- Д. Кенжав. Академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Ўзбекистонда тарих фани дарслеклари: муаммолар, вазифалар, янгича ёндашувлар» мавзусидаги йигилиши ҳакида 81

- Г. Султонова. «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: ёндашувлар ва асосий йўналишлари» республика ёш олимларининг биринчи илмий конференцияси ҳакида 83

A. Navoiy nomidagi
O'z R D kutubxonasi
Milliy bibliotekasi

ХИЯТ Содержание

Журнал Ўзбекистон

К 2200-летию Ташкента

- М. Хатамова.** Резиденции тюркских каганов в чаче: Джабгукец и Хатункет 3

Статьи

- Н. Ташев.** Занимал ли Мухаммад-Йусуф Байани должность диван-беги? 14

- С. Мадьярова.** Мухтор Бакир и его общественно-политические взгляды (из истории борьбы за независимость) 26

Историография

- Ш. Асадова.** К теоретическим аспектам соотношения истории и политики (на примере Узбекистана) .. 34

История Узбекистана в зарубежных исследованиях

- С. Ахмедов.** Уникальный кинжал в коллекции Национального музея истории Азербайджана 46

- М. Зейналова.** Подарок эмира Бухарского азербайджанскому предпринимателю 55

Трибуна молодого исследователя

- Д. Дутураева.** О возникновении государства Кара-китаев 66

- М. Зикруллаев.** Деятельность организации «Уламо» в Ташкентской городской думе 73

Научная жизнь

- Д. Кенжав.** О заседании Республиканского научного семинара «История узбекского народа и его государственности» им. академика Яхё Гулямова на тему: «Учебники по истории Узбекистана: проблемы, задачи и новые подходы» 81

- Г. Султонова.** О первой Республиканской научной конференции молодых ученых «Актуальные проблемы истории Узбекистана: подходы и основные направления» 83

Таҳрир ҳайъати:

Дилором Алимова
(бош мухаррир)

Мирзуэрт Абусеитова
(Қозогистон)

Омонулла Бўриев
Алишер Дониёров

Доно Зияева
Ўткир Исломов

Мирсодик Исҳоков
Элёр Каримов
Зоя Орифхонова

Эдвард Ртвеладзе
Ильза Сиртаутас (АКШ)

Рустам Сулаймонов
Маргарита Филанович

(бош мухаррир ўринбосари)
Темур Ширинов

Нозим Ҳабибуллаев
Шоира Асадова (масъул котиб)

М. Сандова
А. Михерёва
(мухаррилар)

Т. Гез (мукова дизайнери)

Манзилимиз:

100170, Тошкент,
И. Мўминов кўчаси, 9-үй.
Телефон: 262-38-73.

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
22.12.2006 йилда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051.

Теришга берилди 25.06.2009.
Босишга руҳсат этилди 23.07.2009.

Коғоз бичими 70×100^{1/16}.

Таймс гарнитура.

Офсет босма. Офсет коғози.

Шартли босма т. 7,09.

Хисоб-нашриёт т. 5,0.

377 нусха. 132-буюртма.

Келишилган нархда

«КО'НІ-NUR» МЧЖда босилди.
Тошкент ш., «Машинасозлар» мавзеси, 4.

Тошкентнинг 2200 йиллигига

M. Хатамова

ТУРК ХОҚОНЛАРИНИНГ ЧОЧДАГИ ҚАРОРГОҲЛАРИ: ЖАБҒУКАТ ВА ХОТУНКАТ

VI – VIII асрларда Евросиё минтақасидаги геосиёсий жараёнлар ундаги тўртта империя: Византия, Сосонийлар Эрони, Турк хоқонлиги ва Хитойнинг аввал Суй, сўнгра Тан сулолалари билан боғлиқликда кечган эди. Бундай вазият ёзма манбаларда сакланиб қолган «жашон подшиликлари» концепциясида ўзининг янада аникрок ифодасини топган бўлиб, унга кўра, жанубда «филлар подшоси» – Ҳиндистон, гарбда «жавоҳиротлар подшоси» – Эрон ва Византия, шимолда «отлар подшоси» – Турк хоқонлиги, шарқда «одамлар подшоси» – Хитой бўлган¹.

Одатда, ўз таркибида улкан худудлар ҳамда бўйсунувчи ёки мустамлака ўлкаларнинг мавжудлиги билан бошқа давлат шаклларидан фарқланувчи империяларнинг² марказ-пойтахтлари ва қароргоҳлари ўзида сиёсий-иктисодий ҳамда ижтимоий-маданий муносабатларни энг кўп акс эттириши билан аҳамиятлидир. Бироқ, бу каби марказ-қароргоҳлар тез-тез ўзгариб турганлиги боис³, баъзан уларнинг сони

¹ Б а й п а к о в К. М. Средневековые города Казахстана на Великом шелковом пути. Алматы: Гылым, 1998. С. 24. Шунингдек, Ибн ал-Факиҳнинг асарида ушбу концепцияни бироз бошқача мазмунда учратиш мумкин. Яъни, «дараҳтлар подшоси» – хитойликлар, «чорва подшоси» – турклар, «ҷар ҳил товарлар подшоси» – араблар, «филлар подшоси» – ҳиндлар ва ниҳоят, «элексир эгаси» – Рум (Византия) деб хисобланган. Қаранг: А с а д о в Ф. М. Арабские источники о тюрках в раннесредневековые. Баку: Элм, 1993.

² К р а д и н Н. Н. Кочевые империи: генезис, расцвет, упадок // Восток. М., 2001. № 5. С. 21.

³ Инглиз социологи ва тарихчиси А. Ж. Тойнби бундай кўп пойтахтилик анъана-сини хукмдорлар ўз марказларини қулаг жойларга, юзага келган вазиятларга қараб ўзгаришишгани билан боғлайди. Ҳусусан, агар бирорта ташки душман ёки босқинчидан химояланиш зарурати туғилгудек бўлса, пойтахт империя чегарасининг бошқа томонига, нисбатан кучли босим мавжуд бўлган худудларга кўчириларди. Агар империя четдан келган бегона ҳалклар томонидан барпо этилган бўлса, у холда, дастлаб пойтахт мамлакатнинг чекка худудларида бўлиб, вакт ўтиши билан, у марказ томон кўчирилиши мумкин бўлган. Қаранг: Т о й н б и А. Дж. Постижение истории / Пер. с англ. Жаркова Е. Д. М.: Айрис-Пресс, 2006. С. 521-522.

бир нечтагача етиши ҳам мумкин эди⁴. Бундай кўп пойтахтлилик анъанаси Марказий Евросиё минтақасидаги кўплаб империялар учун ҳам хос бўлган.

Минтақанинг ана шундай империяларидан бири – Турк хоқонлигининг марказлари хусусида хоқонлик тарихига бағишлиланган барча адабиётларда унинг фақат иккита марказ-пойтахти мавжуд бўлгани, аниқроғи, улардан бири ҳозирги Монголиядаги Ўтукан водийси бўлса, иккинчиси Еттисувдаги Суёб шаҳри эди, тарзидаги маълумотларни учратамиз. Бундан бошқа, хоқонларнинг бир қанча ўрдалари ҳам мавжуд бўлгани ҳақида ёзма манбалардан билиб олишимиз мумкин⁵. Шу ўринда Турк хоқонлигининг нечта марказ-қароргоҳлари мавжуд эди-ю, уларнинг пайдо бўлиши кандай омиллар билан боғлиқ бўлган, деган ҳақли савол туғилади⁶. Ёзма манбалардаги маълумотларни бошқа манбалар билан солиштириш натижасида, биз Турк хоқонлигининг ўнга яқин марказ-пойтахт вазифасини ўтаган шаҳар-қароргоҳлари ҳамда бир қанча ўрдалари мавжуд бўлганини аниқладик. Эътиборлиси шундаки, ушбу марказ ва ўрдаларнинг аксарият кўпчилиги Тошкент воҳаси, Жанубий Қозоғистон ҳамда Еттисув ҳудудларида жойлашган эди. Лекин, бунинг боиси нимада?

Деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликларининг қоришуви қадимданоқ минтақанинг Амударё ва Сирдарё оралиғидаги худудлар, Хоразм, Жанубий Қозоғистон, Еттисув каби аралаш ёки контакт зоналарида шаҳар ва манзилгоҳларнинг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этиб келган. Археологлар ҳам VI – VIII асрларда Тошкент воҳасидаги шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳлари сон жиҳатидан ўзининг энг юқори чўққисига

⁴ Масалан, Аҳамонийлар империясида пойтахтлар 4 та: Персепол, Экбатана, Бобил ва Суза шаҳарлари бўлган бўлса, киданларда эса 5 та: Олий, Марказий, Шаркий, Жанубий ва Фарбий пойтахтлар мавжуд бўлган. *Қаранг: J a g c h i d S. The Kitans and their cities // Central Asiatic Journal*, vol. 25. Wiesbaden, 1981. P. 70-88.

⁵ Б и ч у р и н Н. Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.; Л., 1950. Т. 1. С. 286-287; Chavannes E. Documents sur les Toukiue (Turcs). Occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 4. Спб., 1903. Р. 235-237; М а л я в к и н А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск, 1989. С. 238; Ш ю в е н П. О Византийских посольствах к первым тюркским правителям Согда (Проблемы ономастики и топонимики) // ОНУ. Ташкент, 1995. № 1-3. С. 33-38; В е а 1 S. The life of Hiuan Tsiang. New Delhi, 1990. P. 45.

⁶ Бу масалада аввал ҳам ўзимизнинг баъзи фикр-мулоҳазаларимизни билдирган эдик. *Қаранг: X а т а м о в а* М. М. Турк хоқонларининг пойтахтлари: *balıq va orda // «Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон» мавзусидаги халкаро илмий-амалий анжуман материаллари*. Тошкент, 30-31 марта, 2007 йил. 1-кисм. Тошкент: ЎзМУ, 2007. 115-121-бетлар.

чиққани⁷, Жанубий Қозогистон ва Еттисув эса бу даврда шаҳар ҳамда дехқончилик маданияти марказларига айланганини алоҳида таъкидлашади⁸. Бунинг сабабларини тадқиқотчилар бир қанча омиллар билан боғлайдилар. Хусусан, чорвадор аҳолининг ўтроқлашуви, Буюк ипак йўли тармоқларидан бирининг шу ерлардан ўтиши ва у билан боғлик тарзда сүғдийларнинг кўплаб савдо факторияларига асос солишлари, тоғ-кон саноатининг жадал тарақкий этиши, хукмдор марказларининг айнан шу худудларда жойлашуви каби қатор сабаблар келтирилади⁹. Биз санаб ўтилганлар орасидан хукмдор марказларининг пайдо бўлиши ҳамда унинг минтақа шаҳарсозлик маданиятига кўрсатган таъсири масала-сига тўхталсак.

Кўпчилик тадқиқотчилар турк хоқонларининг савдо-сотиқ, хунармандчилик билан бир вақтда шаҳарсозлик ривожига ҳам алоҳида эътибор беришганини таъкидлашади¹⁰. Бироқ, айрим тадқиқотчилар шаҳарларнинг барпо этилишини бевосита турклар билан эмас, балки сүғдийлар ва хитойликларнинг роли билан боғлайдилар¹¹. Ушбу хуло-

⁷ Буряков Ю.Ф. Динамическая и статистическая модель процесса урбанизации по материалам Ташкентского оазиса // Теоретические и методологические проблемы исследования в археологии. Ташкент: Фан, 1988. С. 128, 134.

⁸ Бернштам А.Н. Труды Семиреченской археологической экспедиции «Поселение Чуйской долины». Бишкек, 1950; Байаков К.М. Средневековые города и поселения Семиречья (VII – XII вв.): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. Алма-Ата, 1966; Голячева В.Д. Городские центры и монументальная архитектура средневековой Киргизии: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. Бишкек, 1976.

⁹ Маргулан А.Х. Из истории городов и строительного искусства Древнего Казахстана. Алма-Ата, 1950. С. 28; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент: Фан, 1982; Байаков К.М. Средневековая городская культура Южного Казахстана и Семиречья. Алма-Ата: Наука, 1986; Айнурмалиф. Средневековые города Казахстана на Великом шелковом пути. Алматы: Гылым, 1998; Байаков К.М., Шарденова З.М., Перегудова С.Я. Раннесредневековая архитектура Семиречья и Южного Казахстана на Великом шелковом пути. Алматы, 2001. С. 26.

¹⁰ Худяков Ю. Взаимодействие тюркоязычных кочевников и согдийцев в Центральной Азии в эпоху раннего средневековья // Цивилизация Центральной Азии: земледельцы и скотоводы. Самарканد, 2002. С. 68; Заянов А.М. Кочевники и города в Евразийском степном регионе и соседних странах // Урбанизация иnomадизм в Центральной Азии: история и проблемы. Материалы Международной конференции. Алматы: Дайк-Пресс, 2004. С. 322-323.

¹¹ Заянов А.М. Кочевники и города... С. 322-323; Наэши Т. The Role of Sedentary people in the nomadic states from the Xiongnu empire to the Uigur qaghanate // Урбанизация и nomадизм в Центральной Азии: история и проблемы. Материалы Международной конференции. Алматы: Дайк-Пресс, 2004. С. 117-134.

сани инкор этмаган ҳолда, биз унга баъзи тузатишлар киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, айнан Турк хоқонлиги даврида вужудга келган қатор шаҳар ва манзилгоҳлар номларининг катта бир қисми туркий ва сугдий сўзларнинг бирикмасидан ясалгани, қолган бир қисми эса фақат қадимги туркий сўзлардан ташкил топганини қандай изоҳлаш мумкин? Айниқса, *Jabyūkaθ*, *Xātūnkaθ*, *Xanbalīq*¹² ва бошқа шу каби шаҳар номларининг¹³ туркий унвонлардан ясалганлиги эътиборни тортади. Чунки унвонлардан ясалган бундай жой номлари бошқа ҳалқларда камдан-кам учрайди¹⁴. Куйида айнан Турк хоқонлиги даврида Чоч воҳасида пайдо бўлган иккита марказ шаҳар – Жабгуват ва Хотункат хақида тўхтalamиз.

Жабгуват номи Бинкатдан шимол томон Исфижобга олиб борувчи ўрта асрлар савдо йўлида жойлашган илк шаҳарлардан бири сифатида X аср ёзма манбаларида тилга олинади. «Худуд ал-олам» асарининг номаълум муаллифи Бинкатдан 2 фарсах¹⁵ узокликда жойлашган Жабгуватни «чиройли шаҳар бўлиб, қадимда Чочнинг ҳарбий лагери – лашкаргоҳи эди»¹⁶ тарзида тавсифласа, Кудама ибн Жа‘фар ва Абулқосим ибн Хўрдодбехлар эса уни «ички мудофаа деворига эга ҳарбий лашкаргоҳ»¹⁷ тариқасида таърифлашади.

Археологлар Жабгуватни дастлаб Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқидаги Дўрмон қишлоғидан 4 км жанубда жойлашган *Tўgайтепa*, кейинроқ эса Тўғайтепанинг шимолидаги *Oқотa* шаҳар харобаси ўрнида бўлган, деб топганлар. Чунки манбаларда Бинкатдан 2 фарсах узокликда бир-бирига яқин 2 та шаҳар: Жабгуват ва Хотункат номлари учрайдики, бу эса ўз навбатида уларнинг ўрнини аниқлаштиришда бироз қийинчи-

¹² *Xanbalīq* (Хонбалиқ) – хазар ва мўгулларда «хокон, хоннинг шаҳари» маъносида кўлланилган.

¹³ Суғдшунос П. Б. Лурье Тошкент воҳасидаги *Tukkaθ* ёки *Tutukkaθ* топоними туркий *tutiq* – «вилоят ҳукмдори» маъносини англатувчи унвондан ясалгани ҳақидаги таҳминни илгари суради. Қаранг: Лурье П. Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: Дис. ... канд. филол. наук. Спб., 2004. С. 100, 206-207.

¹⁴ Тадқиқотчилар Еттисувда сугдча *xw̠bw* «хукмдор» сўзидан ясалган *Xuwīkat* ҳамда Тошкент воҳасида *Хиðainkaθ* – «хукмдор аёли, хоним шаҳари» каби топонимларнинг учрашини қайд этишган. Қаранг: Лурье П. Б. Историко-лингвистический анализ... С. 97, 101, 206-207.

¹⁵ *Фарсах* – бир фарсах таҳминан 7-8 км.

¹⁶ Hudud al-‘Alam. The regions of the world, a Persian geography / Translated and explained by V. Minorsky. London, 1970. P. 117, 357.

¹⁷ Ибн Ҳордодбех. Книга путей и стран / Пер. с араб. Велихановой Н. Баку, 1986; Бетгер Е. К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абу-л-Касым ибн Хавкаля // Труды САГУ. Вып. 4. Ташкент, 1957. С. 22-23.

ликларни юзага келтиради. Шунга қарамай, археолог олим Ю. Ф. Буряков барча маълумотларни синчковлик билан ўрганиб чиққач, Бинкатдан шимоли-шарқда жойлашган Жабғукат Оқота шаҳар харобасига, ундан жануби-шарқда жойлашган Хотункат эса Тўғайтепа ёдгорлигига тўғри келишини исботлашга муваффақ бўлди¹⁸.

Илк бор 1940 йилда М. Э. Воронец томонидан ўрганилган Оқота ёдгорлигининг умумий майдони 18 га бўлиб, 5-6 м баландликдаги аркка эга бўлган¹⁹. Афсуски, археологлар шу пайтгача ёдгорликда кенг казиш ишларини ўтказишмаган, аммо, стратиграфик текширувлар натижасида у ердан VII – VIII, X – XII ва XV асрларга оид материаллар топилган²⁰. Айниқса, унинг қадимий марказ қисми, яъни илк ўрта асрларга оид арки аниқ ажралиб туради. Аркдаги археологик текширувлар натижасида унинг пастки қисмida пахсали бинолар уюми ҳамда сирланмаган со-пол буюмлари аниқланган. Шу сабаблими, баъзи археологлар Оқотани шаҳар эмас, балки манзилгоҳ, деб топган бўлсалар-да, ушбу ёдгорликни ўрганган мутахассислардан бири Ю. Ф. Буряков унинг шаҳарча бўлганлигига шубҳа йўқ, деб ҳисоблади²¹.

Хуллас, Жабғукат ҳақидаги ёзма манбалар ва археологик материаллардаги жуда оз сонли маълумотлар қисқача шулардан иборат. Энди, ушбу маълумотларни бошқа манбаларни ҳам жалб этган ҳолда Жабғукат нима мақсадда, қачон ва қайси Турк хоқони томонидан барпо этилганини таҳлил қиласак. Энг аввало, шундай савол туғилади: агар, Жабғукат манбаларда қайд этилганидек, ҳарбий лагерь – лашкаргоҳ бўлса, қандай қилиб, биз уни хоқонликнинг маркази ёки қишилик қароргоҳларидан бири бўлган, деб ҳисоблай оламиз? Шунингдек, шаҳар нега Жабғукат деб аталган?

Бу каби саволларга жавоб топиш учун яна археологик материалларга мурожаат қиласиз. Маълумки, Тошкент воҳаси шаҳар маданиятининг VI аср ўрталаридан то VIII аср ўрталаригача бўлган даврини ўз ичига олувчи *Мингўрик босқичида* бу вактдаги воҳанинг маркази ҳисобланмиш араб манбаларида *Мадинаи Шош* номи билан тилга

¹⁸ Буряков Ю. Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса. Ташкент: Фан, 1975. С. 73-75.

¹⁹ Буряков Ю. Ф. Историческая топография... С. 74.

²⁰ Буряков Ю. Ф., Косимов М. Р., Ростовцев О. М. Тошкент областининг археологик ёдгорликлари. Тошкент: Фан, 1975. 45-бет; Буряков Ю. Ф. Верификация археологических материалов письменными источниками// Аскarov А. А., Буряков Ю. Ф., Кирквеля О. Р., Радиловский В. В. Теоретические и методологические проблемы исследования в археологии. Ташкент: Фан, 1988. С. 81.

²¹ Буряков Ю. Ф. Историческая топография... С. 75.

олинган Мингўрик шаҳар харобаси атрофида 5 та шаҳарча қад кўтартган эди. Улар Мингўрикнинг гарбидаги *Нўйайкўргон*, жанубида *Хонобод*, шарқида *Тўғайтепа*, шимоли-шарқида *Оқота* ва шимоли-гарбидаги эса *Қулоқлитепа* шаҳар харобалари билди²². Уларнинг ичидаги археологик жиҳатдан нисбатан тўлиқроқ ўрганилгани Хонобод шаҳар харобаси бўлиб, унинг мудофаа деворларини тадқиқ этган мутахассислар шаҳарнинг ҳарбий мудофаага мўлжаллаб маҳсус қурилгани хақида холосага келишган. Умуман, бешала шаҳар харобаларининг майдони унчалик катта бўлмаса ҳам, ниҳоятда мустаҳкам қурилгани билан алоҳида аҳамиятга моликдир²³.

Шу ўринда, америкалик тадқиқотчи Ж. К. Скэффнинг Турк хоқонлиги воҳа давлатларини бошқариш учун уларнинг худудларида ҳарбий гарнизонлар ҳам барпо этирган, деган фикри диққатга сазовордир²⁴. Ҳақиқатан ҳам, ҳунлардан то мўғулларгача бўлган Марказий Евросиё давлатларида бундай гарнизонларнинг мавжуд бўлганини кўришимиз мумкин. Жумладан, Оқота (Жабгуат) га ўхшаш шаҳар харобаларини Тува, Жанубий Қозоғистон ва Еттисув худудларида ўрганган археологлар Л. Р. Кизласов ва К. М. Байпаковларнинг фикрича, одатда, атрофи мустаҳкам деворлар билан ўралган, бир нечта дарвозадан иборат бўлган, марказида арк, унинг атрофида эса қўшиннинг юрталари жойлашган ҳарбий қароргоҳ, қўрғонлар нафақат ҳарбий мақсадлар учун хизмат қилган, балки вазият талаб қилганида маълум вақт олий хукмдорларнинг ҳам яшаш жойлари вазифасини ўтаган²⁵. Одатда, маданий қатлам унчалик қалин бўлмаган бундай қўрғонлар уруш вақтида атрофдаги чорвадор аҳолига яшириниш имконини ҳам берган. Шунга ўхшаш ҳарбий қароргоҳ ёки қўрғонлар қадимги туркий тилда *qorīyan, turuy* ёки *tura, ton, berik, cît* каби номлар билан юритилгани маълум²⁶.

Демак, Жабгуат ҳам ҳарбий қароргоҳ сифатида барпо этилган бўлишига қарамай, хукмдор аркининг мавжуд бўлиши унда бир вақтнинг ўзида хукмдор ҳам маълум муддат яшаган дейишимизга асос бўла олади.

²² Буряков Ю. Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского oasis. С. 129.

²³ Там же. С. 132; Филанович М. И. Ташкент: зарождение и развитие города и городской культуры. Ташкент: Фан, 1983. С. 122-135.

²⁴ Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // Turks. Ankara, 2002. Vol. 2. P. 100.

²⁵ Кызласов Л. Р. История Южной Сибири в средние века. М.: Высшая школа, 1984. С. 145-147; Байпаков К. М. Городище типа «Торткуль» // Археологические памятники Казахстана. Алма-Ата: Наука, 1978. С. 89.

²⁶ Древнетюркский словарь. Л.: Наука, 1969. С. 92, 458, 587, 588.

Лекин, бу ҳукмдор ким бўлиши мумкин? Бизга яхши маълумки, хоқонлик Чоч воҳасини кўлга киритган пайтда (560 йиллар) бу ерда Хитой манбаларида Чжаову тарзида эслатилган *Жамуқ сулоласи* ҳукмронлик қиласарди. Ушбу сулола то 605 йилгача хоқонликка тобе сулола сифатида воҳадаги бош сулола бўлиб қолади. 605 йилда бўлажак турк хоқони Шегуй (611-617) Чочнинг маҳаллий ҳукмдорини ўлдиртиргач, бу ернинг бошқарувига хоқонлик сулоласидан Тегин Тянчжи (605-609) ни тайинлади ва шу вактдан эътиборан воҳада *Тегинлар сулоласи* ҳукмронлиги ўрнатилади²⁷. Бу воқеалар Жабгуват Чоч тегинларининг ҳарбий лагери бўлмаганмикан, деган хulosани илгари суриш имконини беради. Лекин, шаҳарнинг номи, колаверса, ёнгинасида Хотункат шахрининг ҳам мавжудлиги бундай хulosha чиқаришга йўл бермайди.

Энди, Жабгуват билан боғлиқ бошқа масалага тўхталсак. Гарчи, баъзи тадқиқотчилар Жабгуват хоқонликнинг энг кучли ҳукмдорларидан бири бўлмиш Тун ябгу-хоқон (618-630) нинг қишилик қароргохи бўлган эди, деб ҳисобласаларда²⁸, бироқ, турколог F. B. Бобоёров унинг анча олдин, аникроғи, VI асрнинг охирги чоракларида барпо этилган бўлиши керак, деган фикрни илгари суради²⁹. Аслида Жабгуватнинг барпо этилиши кайси ҳукмдор номи билан боғлиқ?

Маълумки, 555 йилдаёқ эфталитлар ва турклар орасидаги чегара Сирдарё ҳавзалари ва Тошкент воҳаси ҳисобланиб, VI асрнинг 60-йилларида византия ва араб манбаларида Силзибул ёки Синжибу тарзида кайд этилган хоқонликнинг ташкил топишида асосий роль ўйнаган шахслардан бири Истеми ябгу эфталитларга тегишли ҳудудлардан дастлаб Чоч воҳасини кўлга киритганди³⁰. Бизнинг фикримизча, айнан шу воқеалар билан боғлиқ ҳолда Жабгуват дастлаб ҳарбий мақсадлар (қўшин сақлаш, қўшиннинг ҳарбий тайёргарлиги ва ҳоказо) учун мўлжаллаб курилган. Эҳтимол, Истеми бошчилигидаги туркларнинг эфталитларга қарши кейинги юришларида Жабгуват ҳарбий база, истеҳком вазифасини ўтагандир. Чунки ареологик қазишмалар натижаси унга VI асрнинг

²⁷ Б и ч у р и н Н. Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М., 1950. Т. II. С. 313; C h a v a n n e s E. Documents sur les Tou-Kue... Р. 141.

²⁸ Б айтанаев Б. А. Вопросы локализации Нуджикета // Новые исследования по археологии Казахстана. Труды научно-практической конференции «Маргулановские чтения – 15». Алматы, 2004. С. 67-70, прим. 25.

²⁹ Б а б а я р о в Г. Б. Древнетюркские монеты Чачского оазиса VI – VIII вв. Ташкент, 2007. С. 29. Б о б о ё р о в F. B. Чоч – Ҳарбий Турк ҳоқонлигининг бошқарув марказларидан бири сифатида // Ўзбекистон пойтахи Тошкент 2200 ёшда. Халқаро конференция маърузалари. Тошкент: Фан, 2009. 122-бет.

³⁰ Б у р я к о в Ю. Ф. Генезис и этапы... С. 122.

ўрталарида асос солинганини тасдиқлайди. Қолаверса, шаҳарнинг номи ҳам бекорга «Жабгуниң шаҳри» ёки «Жабгу яшайдиган шаҳар» маъносини англатмаган бўлса керак.

Энди, яна бир муҳим масалага диққатни қаратсак. Кейинги йилларда Турк ҳоқонлигининг ғарбий қисми бўйича янгича қарашлар асосида олиб борилаётган кенг қамровли тадқиқотлар натижасида ҳоқонликнинг Ғарбий қаноти ўзининг шаклланиши жараёнида қуидаги З та фарқли босқични босиб ўтганлиги аникланди: (1) *жабгулик/ябгулик* даври (VI асрнинг 60-йиллари ва охирги чораги) – ҳукмдорлар ябгу унвонига эга бўлиб, марказий ҳокимият, яъни Шарқий қанотга тобе бўлишган; (2) *жабгу-ҳоқонлик* даври (VI аср охирлари – VII аср 30-йиллари) – Ғарбий қанот сиёсий жиҳатдан деярли мустақил, марказий ҳоқонликка эса номигагина бўйсунган ҳамда ҳукмдорлар *жабгу-ҳоқон* унвонини қўллашган; (3) *ҳоқонлик* даври (VII аср 30-йиллари – VIII асрнинг иккинчи чораги) – 630 йилда Тан империяси томонидан Марказий (Шарқий) ҳоқонликка барҳам берилгач, Ғарбий қанот батамом мустақил давлатга, яъни ҳоқонликка айланган ҳамда ҳукмдорлар энди мутлақ олий ҳокимиятни англатувчи ҳоқон унвони билан ҳукмронлик қилишган³¹.

Демак, Жабгуват унинг биринчи босқичи, яъни *жабгулик* даврида вужудга келган, шу сабабли ҳам, шаҳар ҳукмдорларнинг бу даврдаги бошқарув унвонлари бўлмиш *жабгу/ябгу* номи билан аталган, деб хулоса кила оламиз. Бундай хулосадан сўнг, ўз-ўзидан шаҳарга Тун ябгу-ҳоқон даврида асос солинган эди, дейиш хато бўлади. Чунки Тун ябгу-ҳоқон даврида ҳукмдорлар энди жабгу унвонининг ўзи билангина чекланиб қолмай, балки *жабгу-ҳоқон* тарзидаги кўшалоқ унвонни қўллай бошлашган эди. Буни Тошкент воҳасидан топилган кўплаб нумизматик материаллар ҳам тасдиқламоқда³². Албатта, кейинроқ Шегуй, Тун ябгу-ҳоқон каби ҳукмдорлар Жабгуватдан қишлиқ қароргоҳ сифатида фойдаланган бўлишлари, табиий³³.

Энг ажабланарлиси шундаки, Хитой манбаларида бир неча бор ҳоқонлар ўз қароргоҳларини Чоч воҳасига кўчиришгани ёки у ердан бошпана излашгани ҳақида маълумотлар учраса-да, Жабгуват номи бирор марта тилга олинмаган. Шунга қарамай, биз бундай қароргоҳ ёки бошпана ҳар ҳолда Жабгуват ёки унинг яқинидаги Хотункат бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.

³¹ Бобоёр Ф. Б. Чоч – Ғарбий Турк ҳоқонлигининг бошқарув марказларидан бири сифатида... 124-бет.

³² Бу ҳақда батафсилроқ каранг: Бабаров Г. Б. Древнетюркские монеты Чачского оазиса VI – VIII вв.; Шамуалиф. Köktürk kağanlığı sikkeleri kataloğu. Ankara: ТИКА, 2007.

³³ Бичурин Н. Я. Собрания сведений... Т. 1. С. 283.

Турк хоқонлиги марказ шаҳарларининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, унда хукмдор хотинининг алоҳида пойтахт-ўрдаси мавжуд бўлган. Манбаларда ана шундай пойтахт-ўрдалардан Хотунсини, Хотункат, Юнчжунчэн каби шаҳар номлари бир неча бор қайд этилган. Шулардан бири Чочда жойлашган Хотункат бўлиб, у илк бор Хитой манбаларида 640 йилларда Эл-Билга Турк хоқони (Иби Дулу кехан; 638-642) нинг Чочга қочиб бориб, у ердаги Кохотунчэн шаҳридан паноҳ топиши воқеаси билан бирга тилга олинади³⁴. Кейинроқ, бу шаҳар араб-форс манбаларида Хотункат шаклида ҳам бир неча бор қайд этилган³⁵. Жумладан, Истахрий ўз асарида «Келеснинг орқасидаги Парак дарёси ва Шош девори орасида жойлашган Хотункет асосий шаҳардан (бу ерда Бинкат назарда тутилаяпти – M. X.) 2 фарсах узокликда қад кўтарган, Барқуш эса Хотункетдан худди шу йўналишда 3 фарсах узокликдадир. Ундан Харғанкагача шарққа томон тўғри йўл бўйлаб 4 фарсаҳдир» тарзидағи маълумотларни қолдирган³⁶.

Марказий Евросиё давлатлари орасида қадимда кенг тарқалган хотун унвонининг келиб чиқиши хусусида тадқиқотчилар турлича фикр-мулоҳазалар билдиришган. Жумладан, синолог В. С. Таскиннинг хотун унвони «Чжоу шу» ва «Цю Тан шу» йилномларида турклар билан алоқали равишда кэхэдунъ шаклида учрайди, деган фикрига таяниб, ушбу унвоннинг шаклланиши хоқон сўзи билан боғлиқлиги ҳакидаги хulosани илгари сурган F. B. Бобоёровнинг фикри бизнингча, ҳам иммий, ҳам мантиқан тўғрироқ³⁷. Аникроғи, қадимги туркий тилда «хоним, хукмдор аёли» маъносини англатган *qatun* сўзи кейинчалик арабийлашиб, *xatun* шаклини олган ва шу тарзда кенг ёйилган³⁸. Шунинг учун ҳам ҳозирда кўпчилик ушбу унвоннинг туркий асосдан шакллангани ҳакида яқдилдишлар.

Археологлар томонидан ўтказилган текширувлар Хотункат шаҳри ҳаробаси бўлмиш Тўғайтепанинг тўғрибурчак шаклда (380×250 м) бўл-

³⁴ Ўша асар. 288-бет; Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiou... P. 58. Хитой манбаларидаги «Қатуннинг шаҳри» жумласига илк бор суғдунос О. И. Смирнова эътибор каратган эди. Қаранг: Смирнова О. И. Тюркологические заметки // Страны и народы Востока. Вып. 11. М., 1971. С. 65.

³⁵ Hudud al-'Alam. The regions of the world, a Persian geography / Translated and explained by V. Minorsky. London, 1970. P. 118.

³⁶ Буряков Ю. Ф. Историческая топография... С. 74.

³⁷ Бобоёров F. B. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Докторлик диссертацияси (қўлзмада).

³⁸ Карапев С. К. Древнетюркские топонимы Средней Азии // Советская тюркология. Баку, 1985. № 6. С. 32; Лурье П. Б. Историко-лингвистический анализ... С. 101, 192.

гани ва бурчаклари тўрт томонга қаратилганини кўрсатади. Шаҳарнинг шаркий бурчагида квадрат шаклидаги, баландлиги 6 м, деворлари билан бирга 60×60 м дан иборат бўлган ҳамда шахристондан сунъий хандақ орқали ажралиб турувчи арк жойлашган³⁹. Ёдгорликнинг унча қалин бўлмаган илк қатламидан VI – VII асрларга оид сарик ва қизил ранг билан пардозланган сирланмаган сопол буюмлар топилган. Шунингдек, шаҳар ҳаётининг охирги боскичи бўлган XI – XII асрларга оид анчагина қалин қатламидан хилма-хил сирланган нақшиндор сопол буюмлар, мовий рангдаги тақинчоқлар ва Корахонийлар даврига мансуб пишиқ ғиштлар чиқкан. Шундай килиб, I минг йилликнинг иккинчи ярми бошларида асос солинган ушбу ёдгорлик X асрга келиб, унча катта бўлмаган (10 га камроқ) шаҳарчага айланган, XI – XII асрларга келиб эса янада гуллаб-яшнаган⁴⁰.

Албатта, ҳукмдор қароргоҳи яқинида, у билан ёнма-ён унинг аёли – хотун қароргоҳининг ҳам мавжуд бўлиши анъанаси факат Турк хоқонлиги даврига келиб пайдо бўлиб қолмаган. Унинг илдизлари хун ва сянбиларга бориб тақалади⁴¹. Этнограф ва археолог олим С. П. Толстовнинг Итил (Волга) дарёси шарқида жойлашган хазар шаҳарларидан бирининг номини *Xatun-balygh* тарзида тиклашни таклиф қилгани ҳам бу анъананинг ғарбда хазарлар томонидан кенг ёйилганини тасдиқлади⁴². Кейинчалик уйғур, кидан, мўғул каби миңтақанинг бошқа халқларида ҳам хотунларнинг ўз шаҳар-ўрдалари бўлгани ҳақидаги қайдлар манбаларда сакланиб қолган.

Юқорида келтирилган маълумотлар нима учун турк хоқонлари Ўтукан, Суёб, Бешбалиқ ёки Тароз каби ўзларининг пойтахт шаҳарлари қолиб, айнан Чочда (ичида арки ҳам бўлган) мустаҳкам ҳарбий қароргоҳ ва унинг яқинида Хотункат шахрини ҳам куришган, деган савол туғилади. Маълумки, ҳар қандай ҳукмдор ўз қароргоҳининг, энг аввали, ҳар томонлама кулай бўлган худудларда жойлашишини истайди. Турк хоқонлари ҳам ўзларига марказ танлашда бир томондан стратегик мақсадларни кўзда тутишган бўлса (чунки тогли худудлар тоғ-кон саноатини ривожлантириш учун имкон берарди), бошқа томондан ҳам дехқончилик, ҳам чорвачиликни ўзида уйғунлаштира олган худудларни инобатта олишарди. Чоч ўзининг географик жойлашувига кўра, хоқонликнинг Фарбий қанотидаги айнан шундай кулай худудлардан бири эди. Чунки қадимданоқ контакт зоналаридан бири сифатида воҳа миңтақа халқлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келган.

³⁹ Буряков Ю. Ф. Историческая топография... С. 73.

⁴⁰ Ўша асар. 73-бет.

⁴¹ Бичурин Н. Я. Собрания сведений... Т. 1. С. 75; Материалы по истории Сюнну (по китайским источникам) / Пер. Таскина В. С. Вып. 1. М., 1968. С. 27.

⁴² Толстов С. П. Города грузов // СЭ. М., 1947. № 3. С. 72.

Хуллас, Чоч воҳасидаги Жабгукат ва Хотункат шаҳарлари Турк хоқонлиги билан боғлиқ равишда қад кўттарган бўлиб, хоқон ва унинг аёли – хотуннинг маълум вакъларда истиқомат қилишлари учун хизмат қилган. Таъкидлаш жоизки, турк хоқонларининг ҳажман анча катта, монументал меъморий иншоотларга ҳам эга, бир сўз билан айтганда, пойтахт учун барча талабларга жавоб бера оладиган бошқа йирик пойтахт-марказлари ҳам бор эдики, Жабгукат ва Хотункат шаҳарлари бу жиҳатдан, албатта, улар билан тенгглаша олмасди. Чочнинг Турк хоқонлиги таркибида бўлган даври тарихини ёритишида воҳадаги туркий сулола бўлмиш тегинларнинг марказ шаҳарлари қаерда жойлашганини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бевосита мазкур тадқиқотнинг давоми саналади. Бироқ, ушбу масаланинг ўзи алоҳида бошқа тадқиқот ишини талаб этади.

M. Хатамова

Резиденции тюркских каганов в Чаче: Джабгукут и Хатункет

В статье обосновывается мнение о возникновении и функциях одной из резиденций тюркских каганов – Джабгукете, расположеннном в Чаче. Отмечается, что эта резиденция возникла в конце VI в. в связи с Тюркским каганатом и выполняла функции как военной, так и политической. Доказывается, что появление в то же время другой резиденции – города Хатункета свидетельствует о стратегической роли Чача и отражении здесь традиций государственности древних тюрков.

M. Khatamova

The Residences of Turkic khaghans in Chach: Jabghukat and Xatunkat

In this article the author states opinions concerning occurrence and function of one of the residences of Turkic khaghans – Jabghukat, located in Chach. In particular, it has arisen in the end VI of century in connection with Turkic khaghanate, and carried out functions both military, and political residence. At the same time near it there is a city Xatunkat, that testifies to a strategic role Chach and reflection here of traditions statehood ancient Turks.

Мақолалар

H. Ташев

ЗАНИМАЛ ЛИ МУХАММАД-ЙУСУФ БАЙАНИ ДОЛЖНОСТЬ ДИВАН-БЕГИ?

Мухаммад-Йусуф ибн Баба-джан-бек Байани (1858-1923) еще при жизни был хорошо известен как литератор и историк, к тому же он происходил из рода, которому принадлежали хивинские ханы династии Конгратов (1804-1920). Однако, несмотря на это, о нем сохранились довольно скучные сведения. Но и имеющийся материал все еще не введен полностью в научный оборот и не получил критической оценки. Очень мало сделано также и для изучения его богатого творческого наследия. Не претендую, естественно, на восполнение всех этих пробелов, автор ставит перед собой цель – разбор отдельных частных вопросов, касающихся жизни и творчества Байани.

В 1909 г. вышла в свет статья известного русского тюрколога А. Н. Самойловича¹, посвященная поэтическому сборнику, составленному по распоряжению хивинского хана Мухаммад-Рахима II (1864-1910) поэтом Ахмадом Табиби (ум. в 1911 г.) и издальному в придворной литографии². Годом ранее А. Н. Самойлович посетил Хиву и во время своего почти сорокадневного пребывания здесь³ вступил в знакомство с некоторыми сановниками, поэтами и другими известными людьми ханства, в том числе с Ахмадом Табиби, получив возможность ознакомиться с новоизданной книгой последнего. В своей статье, перечисляя поэтов,

¹ О жизни и научном наследии Александра Николаевича Самойловича (1880-1938) см.: Лукин Б. В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. Ташкент, 1965. С. 172-177; Историография общественных наук в Узбекистане. Библиографические очерки / Сост. Лукин Б. В. Ташкент, 1974. С. 325-332. А. Н. Самойлович был расстрелян 13 февраля 1938 г. по обвинению в шпионаже в пользу Японии, реабилитирован 25 августа 1956 г. (Алкин Ф. Д. и др. Репрессированная тюркология. М., 2002. С. 7-20).

² Самойлович ۳۰ شعراء شاهی پیرو فیروز А. – مجمع سهادت ۳۰ شعراء شاهی پیرو فیروز // Записки Восточного отделения Русского Археологического общества. Т. XIX (1909). Спб., 1910. С. 0198-0209. Новейшую работу о сборнике Ахмада Табиби см.: Маткаримова С. К. Табиий – тазкиранавис («Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшохий» асосида). Филол. фанлари номзоди ... дис. автореферати. Тошкент, 2007 (там же ссылки на другую литературу).

³ А. Н. Самойлович был в ханстве с 17 мая по 25 июня, т. е. почти 40 дней, из них в городе Хиве – только 14 дней.

стихи которых вошли в этот сборник, он пишет о Байани следующее: «Мухаммед (Мет)-Юсуф-бек, хивинский министр (диван-беки) и капитан русской службы; знает русский язык, выписывает мусульманские и русские журналы и газеты»⁴.

Если информация А. Н. Самойловича о том, что Байани владел русским языком, принята на веру всеми исследователями и никем не подвергается сомнению, то по поводу его службы в качестве *диван-беки* нет такого единогласия. Этот вопрос даже стал предметом полемики между двумя специалистами по истории Хивинского ханства – М. Ю. Юлдашевым и Ю. Э. Брегелем. Первый пишет, что Байани был *диваном* хивинского хана, музыкантом и мастером музыкальных инструментов⁵. С ним не согласен Ю. Э. Брегель, который считает, что это утверждение «неверно характеризует социальное положение» Байани и что он «был отнюдь не простым чиновником (*диваном*) и чуть ли не ремесленником, а одним из высших чинов ханской администрации – *диван-беки*⁶. Уверенность Ю. Э. Брегеля зиждется исключительно на показании А. Н. Самойловича.

В своей ответной статье, опубликованной в 1962 г., М. Ю. Юлдашев, полемизируя с Ю. Э. Брегелем, привел ряд доводов, опровергающих, по его мнению, утверждение о том, что Байани был *диван-беки*. Они сводятся к следующему: 1) в архивных документах и других источниках не содержится никаких данных, подтверждающих, что Байани был *диван-беки*; 2) со времен Мухаммад-Рахим-хана⁷ до 1920 г. действовало правило, согласно которому «ни один родной брат хана или сын его брата (за исключением Кутли-Мурада) не занимал поста ministra», следовательно, даже теоретически (!?) невозможно, что Байани был *диван-беки*; 3) в 1908 г. *диван-беки* был Абдулла-джан⁸, а до него – другие, но не Байани;

⁴ Самойлович А. Собрание 30 царских поэтов, сопутствующих Фируз'у // Записки Восточного отделения Русского Археологического общества. Т. XIX. С. 0203. Здесь (С. 0207, 0208) А. Н. Самойлович передает псевдоним Байани как Бияни.

⁵ Юлдашев М. Ю. Ценный источник по истории Хорезма // Известия АН РУз. Серия общественных наук. 1958. № 6. С. 71; Йулдашев М. Й. Хива хонлигига феодалер эгалиги ва давлат тузилиши. Тошкент, 1959. 70-бет; XIX аср Хива давлат хужжатлари / М. Й. Йўлдошев таҳрири остида. Тошкент, 1960. 23-бет.

⁶ Брегель Ю. Э. Сочинение Баяни «Шаджара-ий хорезмшахи» как источник по истории туркмен // Краткие сообщения Института народов Азии. XLIV. М., 1961. С. 127-128.

⁷ Имеется в виду Мухаммад-Рахим I, правивший в 1806-1825 гг.

⁸ Здесь М. Ю. Юлдашев ссылается на недоступную мне статью А. Н. Самойловича «Хронология Ахмед-табиба на смерть его светлости Сейид Мухаммед Рахим баҳадыр хана и на воцарение его высочества Сейид Эсфендияр Мухаммед баҳадыр хана», опубликованную в первом выпуске «Восточного сборника» (СПб., 1913).

4) при Асфандийар-хане (1910-1918) за свои «прогрессивные взгляды» Байани был подвергнут домашнему аресту, а после хивинской революции он входил в состав правительства ХНСР, чего не мог делать бывший *диван-беги*⁹.

Проанализируем эти доводы в обратном порядке, начав с последнего. Приверженность к «прогрессивным» взглядам, иными словами, сочувствие к идеям реформизма, никак не исключает службы у ханов, точно так же как работа в советских органах сама по себе не может служить аргументом в пользу того, что в былые дни человек не мог иметь отношения к административной власти. Немало можно привести примеров, когда бывшие высокопоставленные сановники ханства примкнули к различным реформистским или революционным движениям начала XX в., а впоследствии работали в руководящих органах советской власти (примеры см. далее).

Перечисляя лиц, занимавших пост *диван-беги* до 1908 г., и пытаясь этим отстоять свою правоту, М. Ю. Юлдашев игнорирует факт, о котором сам писал в своей более ранней работе. Дело в том, что в Хивинском ханстве был не один, а несколько *диван-беги*, один из которых считался главным¹⁰. Кроме того, имела место практика, когда на один пост, в том числе и на пост *диван-беги*, назначались два человека «сообща» (*би-лишитирак*)¹¹. Следовательно, тот факт, что в 1908 г., когда А. Н. Самойлович находился в Хиве, *диван-беги* был Абдулла-джан (вернее, Абдаллах-джан), не исключает вероятности того, что Байани также был *диван-беги* в то же самое время.

Третий довод скорее противоречит мнению М. Ю. Юлдашева, нежели подтверждает его, и порождает множество вопросов, на которые неходим ответа. Почему именно со времен Мухаммад-Рахим-хана?

⁹ Юлдашев М. Ю. Баяни и его исторический труд // Общественные науки в Узбекистане. 1962. № 3. С. 48-49.

¹⁰ Йўлдошев М. Й. Хива хонлигига феодал ер эгалиги. 263-бет; В regel Yu. Diwan-begi // EI 2. Supplement Fascicules 1-2. Leiden, 1980. P. 228. См. также: Munis Shir Muhammad Mirab and A g a h i Muhammad Riza Mirab. Firdaws al-iqbali: History of Khorezm / Transl. from Chaghatai and annotated by Yu. Bregel. Leiden; Boston; Koeln, 1999. P. 256; А г а х и Мухаммад-Риза. Рийаз ад-давла. Рук. Института востоковедения АН РУз. Основной фонд, инв. № 5364. Л. 286^a; А г а х и Мухаммад-Риза. Гулшан-и давлат. Рук. Института востоковедения АН РУз. Основной фонд, инв. № 7572. Л. 126^b; Л о б ы с е в и ч Ф. И. Описание хивинского похода 1873 года / Под ред. Троцкого В. Н. Спб., 1898. С. 174, 199-200.

¹¹ А г а х и . Гулшан-и давлат. Л. 158a; Б а й а н и Мухаммад-Йусуф. Шаджара-ий хорезмшихи. Рук. Института востоковедения АН РУз. Основной фонд, инв. № 9596. Л. 402^b (в данном случае Байани пересказывает Агахи).

Как можно исключить саму вероятность назначения Байани *диван-беги*, если уже есть хотя бы одно исключение из правила¹² в лице Кутли-Мурада? Какое отношение к этому правилу имеет Байани, если он не был ни родным братом хана, ни сыном его брата? Не ясно также, который из представителей Конгратов по имени Кутли-Мурад был *диван-беги* и что означает «пост министра» – *диван-беги*, *инак* или что-то еще? В любом случае, без ответа остается еще ряд вопросов.

Между тем М. Ю. Юлдашев глубоко прав относительно отсутствия в источниках свидетельств о службе Байани в качестве *диван-беги*. В них действительно нет ни прямых, ни косвенных указаний, подтверждающих, что Байани был *диван-беги* и вообще занимал какую-либо должность. Будь Байани *диван-беги*, мы вправе были ожидать упоминания об этом в источниках, в том числе и в произведениях самого Байани, причем его звание стало бы частью его имени, как это было в обычай¹³. Больше того, два независимых друг от друга автора, лично знавшие Байани, прямо заявляют, что он никогда не был чиновником¹⁴.

Словом, все свидетельствует о том, что Байани не был должностным лицом. Но как быть с сообщением А. Н. Самойловича, серьезного ученого, который только что был в Хиве и, казалось бы, говорит со знанием дела? Разгадка находится на той же странице его статьи, где имеется цитированный выше отрывок о Байани. Несколько строками ниже, представляя другого поэта по поэтическому псевдониму Шинаси, А. Н. Самойлович пишет: «Шейх-Назар, брат Мет-Юсуф-бека, губернатор провинции Старого Ургенча, выдающийся администратор и боль-

¹² Ранее М. Ю. Юлдашев писал о назначении главным *диван-беги* Мухаммад-Мурадбека – дяди Мухаммад-Рахим-хана (Йўл ошев М. Й. Хива хонлигига феодал ер эалиги. 263-бет; М. Ю. Юлдашев ошибочно называет Мухаммад-Мурада двоюродным братом Мухаммад-Рахим-хана). Выходит, он проигнорировал два указанных им же исключения из этого якобы существовавшего правила.

¹³ Между тем его нынешнее имя также говорит в пользу непричастности Байани к администрации, ибо в Хорезме термин *бек* прилагался к именам членов семей племенной аристократии, включая представителей правящей династии, которые как раз не имели никаких должностей (M u n i s and A g a h i. Firdaws al-iqbali. P. 544, прим. 19).

¹⁴ Ходим Бобоҷон Тарроҳ Азизов. Хоразм навозандалари: XIX аср охири – XX аср бошларида Сайд Мухаммад Рахимхони соний даврида яшаган шоирлар ҳақида эсадлар / Давлатёр Рахим нашри. Тошкент, 1994. 40-бет. О другом авторе, писавшем по заказу М. Ю. Юлдашева, см.: Тошев Н. Мухаммадюсуф Баёний таржимаи ҳолига оид янги манба // Sharqshunoslik (ИВ АН РУз), № 14 (готовится к печати). Этот и ряд других местных источников, использованных М. Ю. Юлдашевым, не были известны Ю. Э. Брегелю.

шой любитель поэзии, в частности – Мир Али-Шира Невайи¹⁵. Под Мет-Юсуф-бегом здесь подразумевается, вне всякого сомнения, Байани. Но доподлинно известно, что Шайх-Назар Шинаси не был братом Байани¹⁶. О ком же идет речь?

Шайх-Назар (ум. в 1917 или 1918 г.) был одним из шести сыновей известного Мухаммад-Мурада диван-беки. Как хорошо известно, после взятия Хивы русскими в 1873 г. Мухаммад-Мурад (или Мат-Мурад) диван-беки как «непримиримый враг русских» был отправлен вместе с Рахмат-Аллахом йасавул-бashi (ум. в 1890 г.?) сначала в Казалинск, а оттуда – в Калужскую губернию, «для постоянного проживания». В начале 1880 г. по ходатайству Мухаммад-Рахим-хана II перед русскими властями они оба были возвращены в Хиву, и хан восстановил их в своих прежних должностях – диван-беки и йасавул-бashi. Мат-Мурад остался на этой должности вплоть до своей смерти, последовавшей в 1901 г.¹⁷.

Қатвон жангидаги Султон Санжар қақшатқич зарбага дуч келиб, Термизга қочишига мажбур бўлади³⁸. Ибн ал-Асир «Ислом тарихида бундай йирик жанг, Хуросонда эса шу даражада ўликлар сони ҳали кўп бўлган эмас», деб таъкидлайди ва Санжар жангчиларидан 100 мингтаси ўлдирилганлигини айтади³⁹. Бар Эбрей хам Санжар фақатгина 6 киши билан қочиб кетганлигини, унинг 100 мингли қўшинининг бир қисми ўлдирилганлиги ва бир қисми асирикка олинганлигини таъкидлайди⁴⁰. Низоми Самарқандий⁴¹ ва Равандий⁴² эса ўликлар сони 30 минг бўлган, деб таъкидлашади. «Ляо ши» да эса ўликлар ерда бир неча юз ли масофада ёйилиб ётган, деб айтилган⁴³.

Қатвондаги жангнинг акс-садоси, ҳатто, Фаластин ва Суриядаги мусулмонлар билан жанг олиб бораётган салибчиларга ҳам етиб бор-

³⁴ Ҳусайнни. Ахбар ад-Даулат... С. 92; *Bundārī al-Isfahānī, al-Fath Ibn ‘Alī Muhammad. Tārīkh davlat as-Saljūq. Bayrūt*, 1978. S. 253.

³⁵ «Ляо ши» да бу жанг Даши ва Хуэршан ҳукмдори билан бўлиб ўтган, деб айтилган. Биз ишлатган қирғиз тилидаги таржимада Хуэршан сўзи Хоразм, деб таржима килинган. Лекин, бу аслида Хурсон ўлкаси эканлиги Г. Опперт томонидан исботланиб бўлинган. Султон Санжар эса 20 йил мобайнида Хурсон ўлкасининг ҳукмдори бўлганлигини инобатга оладиган бўлсан, манбада келтирилган Хуэршан ҳукмдори Султон Санжар эканлигини айта олишимиз мумкин. Токто. Ляо ши... 84-бет; Oppert G. Des Presbyter Johannes in Sage und Geschichte. Berlin, 1864. P. 128.

³⁶ Тоқто. Ляо ши... 84-85-бетлар.

³⁷ Віган M. The Empire... P. 43, 151.

³⁸ Ҳусайнни. Ахбар ад-Даулат... С. 92; Ибн ал-Асир. Ал-Камил... С. 242, 246.

³⁹ Ибн ал-Асир. Ал-Камил... С. 242.

⁴⁰ Bar Hebraeus. The Chronography... P. 376.

⁴¹ Nizāmī ‘Arūzī of Samarkand. Chahār Maqāla // English transl. and notes by E. Browne. L., 1921. P. 132.

⁴² Rāwandi Muhammad. Rāhat as-Sudūr wa āyat as-surūr // Ed. by Ikbāl M. London, 1921. P. 173.

⁴³ Тоқто. Ляо ши... 85-бет.

ди ва Ғарбий Европада 1141 йил воқеалари асосида шарқдан мусулмон оламига хужум қилиб, Фаластиндаги ўз диндошларига ёрдамга машҳур Пресвитер Иоанн келаётганлиги тўғрисидаги афсона вужудга келади⁴⁴.

«Ляо ши»да хабар берилишича, Қатвондаги жангдан сўнг Елюй Даши қўшини Самарқандда факат 90 кун турган⁴⁵. Г. Г. Пиковнинг фикрига кўра, Даши аввал Самарқанд худудларида қолишни режалаштирган. Аммо, яйловларнинг камлиги ҳамда ён-атрофнинг хатарлилиги Елюй Дашини Чу водийсига қайтишга мажбур қилган⁴⁶.

Қатвон жанги натижасида Елюй Даши бутун Мовароуннаҳр худудида ўз ҳукмронлигини ўрнатишга мусассар бўлади. Хоразмшоҳ Отсиз ҳам Дашининг вассалига айланади ва 30 минг динор миқдорида ўлпон тўлашга мажбур бўлади⁴⁷. Лекин, Елюй Даши ўз ғалабаси гаштини узоқ суро олмади. У Мовароуннаҳр, Еттисув, Тарим ҳавзаси ва Уйғур ерларини⁴⁸ қамраб олган йирик худудда маркази Боласағунда бўлган Қорахитойлар давлатига асос солиб, 1143 йилда вафот этди. Бу давлатда Елюй Даши ворислари мўғуллар боскинига қадар, яъни 1218 йилгача ҳукмронлик қилди.

Демак, Қорахитойлар давлатининг дебочаси Даши ҳали Кедунда бир неча уруғларни бирлаштиришга мусассар бўлган пайтда бошланган. Қатвон жанги натижасида эса у Мовароуннаҳр худудларини ҳам қўлга киритди. Шуларни инобатга олган ҳолда, Қорахитойлар давлатининг ташкил топиш даври 1124-1141 йилларни қамраб олган, деб айтишимиз мумкин.

Д. Дутураева

О возникновении государства Кара-китаев

Установлена взаимосвязь возникновения государства Кара-китаев (1124-1218) на территории Центральной Азии с политическими событиями на Дальнем Востоке в начале XII в. Показано, что в разгроме госу-

⁴⁴ Бу афсона ҳақида батафсилик қаранг: Nowell C. E. The historical Prester John // Speculum. 1953. Vol. 28. No. 3. P. 435-445.

⁴⁵ Тоқто. Ляо-ши... 85-бет.

⁴⁶ Пиков Г. Г. Западные Кидани. С. 83.

⁴⁷ Juvali. The History... Tr. Boyle J. A. P. 356.

⁴⁸ Ҳозирги Синцзянъ (Хитойнинг Уйғур Автоном Республикаси), Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Жанубий Қозогистон худудлари.

дарства Киданей, созданного ещё в X в. на территории современного Северного Китая и Монголии, полчищами чжурженского войска большую роль сыграл будущий основатель Кара-китайской династии Елюй Даши (1124-1143).

D. Duturayeva

The establishment of the Qara Khitai State

The establishment of the Qara Khitai State (1124-1218) on the territory of Central Asia connects with the political events which were happened in the East in the beginning of the 12th century. Khidan State which was founded on the territory of modern north China and Mongolia in the 10th century was destroyed by Jurchen's forces. The future founder of the Qara Khitai dynasty Yelu Dashi (1124-1143) played very important role on these events.

M. Зикруллаев

«УЛАМО ЖАМИЯТИ»НИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ДУМАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Петрографда содир бўлган 1917 йил Февраль инқилобидан сўнг Россия империяси ва унинг мустамлака худудларидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар Туркистонга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Айнан шу даврдаги бир қатор демократик эркинликлар ўлкада кўппартияйлик тизимининг вужудга келишига шароит яратди. Бундай вазиятдан унумли фойдаланиб, миллий озодликни кўлга киритишни кўзлаган зиёлилар олдиларига сиёсий вазифа ва истиқлол гояларини кўйган турли ташкилотларга уюшиб, ўлкада кечётган сиёсий жараёнларда фаол иштирок эта бошладилар.

Февраль инқилобидан кейинги дастлабки ойларда Туркистоннинг сиёсий хаётидаги муҳим воқеалардан бири, шубҳасиз, шаҳар Думасига сайловлар бўлди. Бинобарин, сайловлар яқинда ташкил этилган миллий сиёсий ва ижтимоий ташкилотларнинг вакиллари иштирокида биринчи марта янги демократик тамойиллар асосида ўтиши кутилган эди¹.

¹ Абдуллаев Р. Общественно-политические процессы в Самарканде накануне октябрьских событий 1917 г. // Ўзбекистон тарихи. 2007. 4-сон. 51-бет.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур сайловларга тайёргарлик жарёни ўта зиддиятли кечди. Бу зиддиятлар миллий ғояни амалга ошириш йўлларини қабул қилишда, ўлкани ижтимоий қайта қуриш, миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилашдаги шакл ва усулларни ишлаб чикишда намоён бўлди ва, натижада бир-бири билан сира келиша олмайдиган икки мусулмон сиёсий куч юзага келди. Ўзларининг ижтимоий-сиёсий қарашларида асосан ислом дини ақидаларини, шариат аҳкомларини асл ҳолича сақлаб колиш тарафдорлари бўлган Тошкентнинг бир гурух уламолари 1917 йил июнь ойининг ўргатарида миллий-озодлик ҳаракатининг йўлбошчиси бўлган «Шўрои исломия» ташкилотидан ажралиб чиқиб, алоҳида «Уламо жамияти»ни ташкил этдилар.

Дума сайловлари арафасида эса «Шўрои исломия» ва «Уламо»чилар орасидаги қарама-қаршиликка сабаб бўлган энг қизғин масалалардан бири – хотин-қизларнинг сайловда иштирок этишлари масаласи бўлди. Чунки «Уламо жамияти» хотин-қизларни жамоат жойларида юзини очиб кўринишларини шариатга хилоф, деб ҳисоблади. Бунга эътиroz билдирган тараққийпарварлар хотин-қизларни сайловда иштирок этмаслиги мусулмон сайловчиларининг нисбатини камайишига олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилар.

Зиддиятли вазиятдан чиқиш йўлларини излаб, «Шўрои исломия» вакиллари мусулмон хотин-қизларга маҳсус жойларни ташкил этишни ва алоҳида рўйхат асосида сайловларда катнашишга рухсат берувчи фатво² чиқаришни сўраб уламоларга бир неча маротаба мурожаат қилдилар. Бироқ, ушбу мазмунда фатво чиқариш борасида «Уламо» чиларнинг орасида турли муносабат намоён бўлди. Масала ўта нозик бўлганлиги учун «Уламо» нинг бир кисми фатво беришга халқдан қўрқди. Шу билан бирга, муаммонинг сиёсий моҳиятини етарли даражада англаб етмаган уламоларнинг иккинчи қисми «Шўрои исломия» нинг 1917 йил 20 июля Туркистон аҳолисига қилган «Хитобнома» сида таъкидланишича, «ажнабий миссионер ва уларнинг ёрдамчилари бўлган миллат душманлар» идан иборат фитначиларнинг ифносига учеб, бутунлай фатво чиқаришдан бош тортди³.

Шуни таъкидлаш жоизки, Туркистон шаҳарларида сайловолди тадбирлари ва сайловларнинг ўзи анча эркин ўтди. Айниқса, 1917 йил

² Фатво – исломда муфтий ёки уламолар кенгаши томонидан диний, хукукий, сиёсий ва ижтимоий масалаларда бериладиган карор, хукм ёки изоҳ.

³ «Шўрои исломия» ташкилоти томонидан эълон қилинган ушбу «Хитобнома» ЎзРФА Шарқшунослик институти X. Сулаймонов фондида 5205-инвентарь раками остида сақланмоқда.

30 июлда Тошкент шаҳар Думасига бўлган сайловлар бутун ўлка бўйлаб кучли акс-садо берди.

Тошкентда ўша даврда фаолият кўрсатган сиёсий ташкилотлардан мусулмонлар 3 та, европаликлар эса 13 фирмага бирикиб, мазкур сайловда ҳаммаси бўлиб 16 сиёсий гурӯҳ қатнашди⁴. 16 та рўйхатнинг ичидаги «Уламо» вакиллари З-рақам остида сайловларда иштирок этдилар.

1917 йили 4 августда эълон қилинган натижаларга кўра сайловда иштирок этган 72241 нафар Тошкент шаҳри аҳолисидан 40302 та овоз олиб «Уламо жамияти» ғолиб чиқди. Шу тарика мураккаб сиёсий жараёнларда мусулмонлар орасидаги иттифоқни бузишга интилган кучлар томонидан «чопон-саллали, фитначи ва фасодчилар»⁵ деб кўрсатилган уламолар жамияти Думадаги 112 та ўринга ўзининг 62 та вакилини киритиб, уни бошқариш ҳукуқига эга бўлди. «Шўрои исломия» – 11, социал-демократлар – 5, эсерлар – 24 ўринга эга бўлди. Ҳаммаси бўлиб, маҳаллий аҳолидан 74, европаликлардан 38 аъзо сайланди⁶. 24 ўринга эга бўлган социал-инқилобчилар (эсерлар) ҳам бор-йўғи 5 ўрин олган социал-демократлар ҳам сайлов натижаларидан норози бўлиб қолишиди⁷.

Ўша давр матбуоти берган маълумотларга кўра, «Уламо жамияти»-дан Тошкент шаҳар Думаси таркибига мулла Абдумалик хўжа Абдунашибов, мулла Маҳдиҳон Сайдбекиҳон ўғли, мулла Сайдрасул Сайдазиз ўғли, Асил оқсоқол, Миён Бузрук, мулла Худойқул Абдумутталиб ўғли, Холмуҳаммадбой Али Мухаммадбой ўғли, Орифжон Маллабой ўғли, мулла Пирмуҳаммад, мулла Одил Миртожи кори, Азизхўжа Илҳомжон ва бошқалар кирди⁸.

«Уламо» фракциясининг мусулмонлар учун мақбул бўлмаган ҳар қандай қарор ёки таклифни инкор эта олиш имкониятига эга бўлганидан хавфсираган Туркистоннинг европалик демократик кучлари уламочиларга нисбатан салбий фикр билдирилар. Улар маҳаллий аҳолининг асосий қисми сиёсий жихатдан етилмаганлиги учун консерватив кучлар улар устидан ҳукмдордир, деган гаплар билан аҳолини уламочиларга қарши кўйишга ҳаракат килдилар⁹. Бундай хатти-ҳаракатларга жавобан

⁴ Минноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар. Тошкент, 2002. 36-бет.

⁵ Ибрози ташаккур // Ал-Изоҳ. 1917 йил 8 август.

⁶ Кенгаш. 1917 йил 6 август.

⁷ Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Тошкент, 2000. 101-бет.

⁸ Туркестанский курьер. 1917 йил 6 август.

⁹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-том. Тошкент, 2000. 38-бет.

эса «Уламо жамияти» халққа мурожаат қилиб, турли фасодчи ва иғвогар-
ларнинг бўхтон ва ёлғонларига кулок солмай, фитнага сабаб бўлувчи,
силлиқ сўзларга алданмасдан, имкон борича шариат йўлида событқадам
ва мустаҳкам эътиқодла бўлишга даъват килдилар¹⁰.

Умуман олганда, уламочилар «Шўрои исломия» сиёсий ташкилотидан асосан мусулмон фуқаролар орасида диний заминда юзага келиши мумкин бўлган ҳар хил шикоят, англашибилмовчиликларни ҳал этиш ва тушунтиришдан иборат фаолиятни олиб бориш учун ажралиб чиқсан эди. Бироқ, 1917 йилда вужудга келган инқилобий вазиятда аҳоли орасида тинчлик ва барқарорликни саклаш, Туркистон ахолисининг деярли 90 фоизини ташкил этган мусулмонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни ўша даврдаги сиёсий жараёнлардан ажралган ҳолда амалга ошириб бўлмас эди.

Тошкентдаги янги Думанинг фаолияти бир маромда кечмади. Унинг мажлислари мунтазам бўлмаганлиги, бўлганлари ҳам кучли мунозаралар остида ўтганлиги ҳақидаги хабарларни ўша давр миллий матбуоти саҳифаларида учратиш мумкин. Хусусан, «Улуғ Туркистон» газетаси саҳифаларидан бирида Тошкент шахрининг янги Думаси сайланганлигига бир ой бўлган бўлса ҳам, ҳануз раис ва бошқарув аъзолари сайланмаганлиги ҳақида фикр билдирилган. Думанинг асосий аъзолари «Уламо» чилар бўлганлиги учун уларнинг бу ишларда масъулиятсизлик қилаётганликлари танқид остига олинган¹¹. «Уламо» чиларнинг дастлабки даврда дума ишларига етарли даражада эътибор бермаганликлари тўғрисидаги эътиrozлар муайян маънода ўринли. Бу ҳолни «Уламо жамияти» нинг расмий нашри хисобланган «Ал-Изоҳ» журнали саҳифаларида Дума фаолиятини ёритувчи бирорта мақола берилмаганлигидан ҳам кўриш мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳам жамият аъзолари сиёсатни иккинчи ўринга кўйиб, ўз сайд-харакатларини биринчи навбатда аҳолини диний-маърифий савиясини оширишга, шариат аҳкомларини аслича сақлаб қолишга йўналтирганликларидадир, деб хисоблаш мумкин.

Шунга қарамай, Думанинг 1917 йил октябрь-ноябрь ойларидаги ийгилишларида муҳокама этилган бир қатор ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан қабул қилинган карорлар «Уламо» фракцияси мусулмонларнинг манфаатларини қатъиятлик билан ҳимоя этганлигини кўрсатади. Хусусан, Думанинг октябрь ойидаги ийгилишларидан бирида «Уламо» вакилларининг (ўша даврдаги матбуот нашрларида дума аъзо-

¹⁰ Ибрози ташаккур // Ал-Изоҳ. 1917 йил 8 август.

¹¹ Думахона атрофига // Улуг Туркестон. 1917 йил 23 август.

ларига нисбатан «гласный» сўзи ишлатилган – *M. З.*) сайд-харакатлари, ўз қарорларида қатъий туришлари натижасида кун тартибидаги бир неча асосий масалалар мусулмонлар фойдасига ҳал қилинган. Кўрилган масалалардан бири мактаб ўқитувчиларининг иш ҳақлари хусусида бўлиб, йиғилишда бу борада мусулмон мактабларида ишловчи муаллимларнинг иш ҳақлари рус мактабларидағи ўқитувчиларнинг маошлари билан тенглаштирилиши ҳақида қарор қабул қилинади.

«Улуғ Туркистон» газетасининг 1917 йил 4 октябрда чиққан 4-сонида келтирилган маълумотларга қараганда чор ҳукумати вақтида рус-тузем мактабларида фаолият кўрсатган рус ўқитувчилари ойига 67 сўм олган бўлсалар, мусулмон муаллимларига 30 сўм иш ҳақи тўланган. Ўша даврда ҳукм сурган қимматчилик, очарчилик сабабли рус тили ўқитувчиларининг иш ҳақи ойига 100 сўмга оширилиб, мусулмон муаллимларига 60 сўм тўланган, холос. Шуниси ажабланарлики, мактабнинг қоровули ойига 70 сўм олган вақтида ҳам мусулмон ўқитувчиларнинг маошлари 60 сўм миқдорида колдирилган¹². «Уламо жамияти» вакиллари бу сингари ижтимоий тенгсизликни мусулмонларга нисбатан хўрлик ва адолатсизлик, деб ҳисобладилар.

Дума йиғилишларида мусулмон аҳолининг фойдасига чиқарилган қарорларга аксарият ҳолатларда европа миллатига мансуб вакиллар эътиroz билдирилар. Ҳусусан, ўқитувчиларнинг маоши ҳақидаги масала кўрилганда мусулмон мактабларидағи таълимни танқид килиб, «Мусулмон муаллимларининг тегишли билимлари йўқ», «Мусулмон тарафидаги район комиссарлари қонунда кўрсатилган маълумотни эгаллашга қодир эмаслар», дедилар. Мусулмон вакиллар эса «мусулмон мактабларидағи таълимга эътиборсиз қараш вақтини бекор кетказишдир»¹³, дедилар.

Шунингдек, Думанинг барча фракция вакиллари Тошкент шаҳар бошлигини сайлаш масаласида «Уламо» чилар томонидан кўрсатилган номзодларга жуда кескин қаршилик қилишлари бежиз эмас эди. Чунки номзодлардан бири Ликошин чор ҳукумати даврида Самарқанд вилоятининг губернатори бўлиб, 1916 йилдаги Жиззах қўзголонини шавқатсизларча бостирилишида иштирок этган амалдорлардан эди¹⁴. Думанинг 1917 йил 14 октябриданги йиғилишида фақатгина «Уламо» чиларнинг кўпчиликни ташкил қилганликлари натижасидагина Тошкент шаҳар бошлиги этиб тайинланган Сайид Махмудхон Махийиддинхон ўғли эса эски ҳукумат вақтида қозилик лавозимида бўлиб, масжидларни

¹² Шаҳар Думасинда // Улуғ Туркистон. 1917 йил 4 октябрь.

¹³ Улуғ Туркистон. 1917 йил 4 октябрь.

¹⁴ Наша газета. 1917 йил 20 август.

сотишида айбланган ҳамда мусулмон аҳолиси томонидан лъяннатланиб, мансабидан туширилганди¹⁵. «Уламо» фракцияси томонидан Туркистон аҳолиси орасида ўзининг халққа қарши фаолияти билан ёмон ном чиқарган амалдорларнинг номзоди қўйилиши сабабини аниқ айтиш кийин. Ушбу ҳолатда мазкур шахсларнинг рус тилини билганликлари ҳам муҳим омил бўлган бўлиши мумкин.

1917 йил 6 декабрда Тошкент шаҳар Думасининг фавқулодда мажлиси бўлиб ўтди. Бундан кейин содир бўлган воқеалар, аслида бу Думанинг сўнгги йиғилиши бўлганлигини ҳам қўрсатди.

Йиғилиш кун тартибига икки масала қўйилган эди: 1. Большевиклар комиссари Колесовнинг шаҳар Думасини тарқатиш хусусида чиқарган фармони; 2. Таъсис мажлиси (Учредительное собрание) ни ҳимоя қилиш хусусида Москва Думаси тарафидан чақирилган съездга вакил сайлаш.

Бундан ташқари «Уламо жамияти» нинг фаолларидан Серали Лапин тарафидан Туркистон Мухториятига муносабат билдириш учинчи масала қилиб қўйилди.

Биринчи масала бўйича депутатларнинг ҳаммаси бир овоздан Думанинг большевиклар буйругига қараб тарқатилишига қарши эканликларини баён этдилар. Халқ Комиссарлар Советининг шаҳар Думасини тарқатиб юбориш ҳақидаги буйруги «бугунги кунда мутлако мумкин бўлмаган ҳодиса»¹⁶, деб баҳоланди. Чунки «300 минг киши номидан демократик йўл билан тўрт босқичли сайлов ҳақидаги қонунга мувофиқ сайланган Тошкент Думаси аъзолари ўрнига 700-800 солдат ва ишчилар Александров боғида сайланган 4-5 комиссар билан алмаштирилганди, холос»¹⁷.

Социал-демократлардан бирининг Дума шу кунга қадар халқ фойдасини кўзлаб ҳеч қандай иш қилгани йўқ, деган фикрига қарши мусулмон вакилларидан Пўлатхонов: «Дума ҳеч нарса бермаса-да, большевиклар каби халқнинг энг муқаддас ҳуқуқини зўрлик билан тортиб олгани-да йўқ»¹⁸, дейди.

Серали Лапин 1917 йил 6 декабрда (Думанинг фавқулодда йиғилиши ҳам айнан шу куни бўлган – M. З.) Тошкентнинг жомеъ масжидида 60 минг киши иштирок этган митингдаги Дума ҳақидаги қарорни ўқиб эшиттириди. Мазкур намойишда эски ва янги шаҳардан йиғилган мусулмонлар бир овоздан думанинг зўрлик билан тарқатилишига норози-

¹⁵ Улуғ Туркистон. 1917 йил 15 октябрь.

¹⁶ Улуғ Туркистон. 1917 йил 7 январь.

¹⁷ Улуғ Туркистон. 1917 йил 8 декабрь.

¹⁸ Тошкент Думасида большевиклар // Улуғ Туркистон. 1917 йил 10 декабрь.

лик баён этадилар. Митингда қатнашган касаба ва мардикор вакиллари ҳам шу қарорга тўлалигича қўшиладилар. Бир неча маърузалардан сўнг думани тарқатмасликка, агарда курол кучи билан тарқатиладиган бўлса, барча масъулият зўрлик билан тарқатгандарнинг (большевикларнинг – M. З.) зиммасига ташланишига қарор қилинади¹⁹.

Мажлис кун тартибидаги Мухторият масаласига келганда «Уламо» фракциясидан тортиб, тарақкийпарварлар, социал-инқилобчилар ва социал-демократларгача ҳаммаси бир овоздан Туркистон мусулмонларини Мухторият эълон қилингандиги билан табриклийдилар. Бу қарор жуда ўринли, ўз вақтида эълон қилингандигини эътироф этиб, бутун куч ва қувватлари билан Мухторият хукуматига ёрдам кўрсатишга тайёр эканларини билдирилар²⁰.

Шу орада дума залига большевиклар хукуматидан шахар кўриклиш Бошқармаси бошлиғи Гудович билан Цируль деган шахслар кириб келади. Мажлисда музокара бўлиб турганига қарамай минбарга чиқиб, ўзларининг солдат ва ишчилар совети тарафидан думани тарқатиш учун келганликларини маълум қиласидар ва раисга мажлисни ёпишни буюрадилар. Шунга қарамай, раис Москвага вакил юбориш масаласини музокарага қўйди. Бу борада «Уламо» фракцияси аъзоси Сайдрасул Сайдазизовнинг номзоди ҳамма вакиллар тарафидан маъқулланди.

Ушбу йигилиш хусусида ўз сахифаларида маълумот берган «Улуғ Туркистон» газетаси «Большевикларнинг бу равишда ҳалқ ҳаққига тажовуз қилишлари бутун думани бирлаштириди. Бугун энг сўлда ўтирган социал-инқилобчиларга қадар «Уламо» билан иттифоқлашиб, бир оғиздан большевикларнинг зўрликларига қарши норозилик баён этдилар», деб ёзади²¹. Юкорида келтирилган биргина маълумот большевикларнинг ўз мақсадларига эришиш учун ҳеч нарсадан қайтмаганликларини яққол кўсатади.

Шу сингари воқеалар силсиласида «Туркистонда большевиклар (курол кучи билан – M. З.) бошқарувни ўз қўлларига олиб, мамлакатдаги ҳамма маҳкамаларни ўзгартира бошладилар. Адлия маҳкамалари тутатилди, шахар думалари қувилди. Область ҳам уъезд маҳкамаларига хурриятдан сўнг тайинланган ҳоким ва маъмурларни бўшатиб, уларнинг ўрнига солдат, ишчи ва крестьянлардан ўз маслакларига хилоф бўлмаган одамларни қўя бошладилар»²².

¹⁹ Ўша жойда.

²⁰ Мингиоров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар. Тошкент, 2002. 47-бет.

²¹ Тошкент Думасида большевиклар // Улуғ Туркистон. 1917 йил 10 декабрь.

²² Маҳкамаларнинг ўзгариши // Улуғ Туркистон. 1917 йил 20 декабрь.

Янги сайланган шаҳар Думаси, гарчи, кисқа муддат фаолият кўрсатган бўлса-да (1917 йил июль – 1917 йил декабрь), унинг мажлисларида кўрилган масалалар ва чикарилган қарорлар шаҳар ахолисининг, айниқса, мусулмонларнинг ижтимоий-иктисодий, майший ҳамда сиёсий хаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

«Уламо» фракциясининг Тошкент шаҳар Думасидаги фаолиятини ўрганиш «Уламо жамияти» нинг ўлкада кечётган сиёсий жараёнларга, миллий давлатчилик масалалари, диний, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ислоҳотларга бўлган муносабатини кўрсатади.

M. Зикруллаев

Деятельность организации «Уламо» в Ташкентской городской думе

В статье на основе привлечения выявленных автором новых архивных документов и материалов национальной периодической печати Туркестана в начале XX в. анализируется деятельность организации «Уламо» в Ташкентской городской думе, избранной в июне 1917 г. Приводятся данные о заседаниях нового состава Ташкентской городской думы, которые раскрывают роль организации «Уламо» в решении проблем, касающихся политической, социальной, культурной и религиозной жизни Туркестана.

M. Zikrullayev

Activity of «Ulamo» organization in Tashkent municipal Duma

In the article based on attraction of the new archive documents and materials of the national periodicals of Turkistan at the beginning of XX century that was revealed by author, activity of «Ulamo» organization in Tashkent municipal Duma elected in June of 1917, is analyzed. Information about meetings of the new staff of Tashkent municipal Duma is adduced which opens the role of «Ulamo» organization in decision of important problems concerning political, social, cultural and religion life of Turkistan.

Илмий ҳаёт

АКАДЕМИК ЯҲЁ ГУЛОМОВ НОМИДАГИ

«ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИГИ

ТАРИХИ» РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ СЕМИНАРИНИНГ

«ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ФАНИ ДАРСЛИКЛАРИ:

МУАММОЛАР, ВАЗИФАЛАР, ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР»

МАВЗУСИДАГИ ЙИҒИЛИШИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллигига эришгандан сўнг жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш вазифаси кун тартибига кўйилди. Ўтган вақт мобайнида республикада «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим турлари учун давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Маълумки, комил инсон тарбиясида тарихий тафаккур муҳим ўрин тутади, зеро, тарих фани инсониятнинг энг қадимги замонлардан то ҳозирги кунгача босиб ўтган ҳаёт йўли, кишилик жамияти тараққиёти қонуниятларини ўрганадиган фандир. Ушбу ҳолат эса тарих фани асосларини ўрганиш олдига, хусусан, ушбу ўкув фанини ўқитиш мазмунига катта талаблар кўйди. Чунки «Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унугтган миллатнинг келажаги йўқ»²³. Ушбу талаблар эски мафкурадан халос бўлган, ўсиб келаётган авлодни янгича фикрлашга ўргата оладиган дарслклар яратиш эҳтиёжини келтириб чиқарди.

Бугунги кунда умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим тизими учун Ўзбекистон ва жаҳон тарихининг қадимги замонлардан то XXI аср бошларигача бўлган даврни ўргатиш мақсадида республика тарихчи-олимлари томонидан янги авлод дарслклари яратилди ва амалиётга жорий этилди. Ҳозир амалиётда бўлган дарслкларнинг мазмани, уларнинг ютуқ ва камчиликларини, шунингдек, Ўзбекистон ва жаҳон тарихчи-олимлари томонидан олиб борилаётган илмий изланишларнинг натижалари дарслкларда қай тарзда акс этаётганлигини муҳокама қилиш мақсадида 2009 йил 29 апрелда академик Яҳё Гуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг 55-йигилиши «Ўзбекистонда тарих фани дарслклари: муаммолар, вазифалар, янгича ёндашувлар» мавзусида Тошкент шаҳар

²³ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 4-бет.

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бўлиб ўтди.

Семинар йиғилишида ЎзР ФА Тарих институти олимлари, Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, республика олий ўқув юртлари, коллеж ва лицей профессор-ўқитувчилари, умумтаълим мактабларининг тарих фани ўқитувчилари ҳамда дарслик муаллифлари қатнашди.

«Олий ўқув юртлари дарслекларида қадимги ва ўрта асрлар тарихининг ёритилиши» деб номланган маъруза билан иштирок этган тарих фанлари доктори А. С. Сагдулаев олий ўқув юртлари дарслекларида қадимги ва ўрта асрлар тарихининг ёритилишида тарихшунослик, манбашунослик, тарихий география масалаларига кенг эътибор қаратилиши муҳимлигини, минтака халқларининг мазкур давр тарихини ёритишда, давлатчиликнинг вужудга келиши сабаблари ва омилларини таҳлил этишда кўплаб илмий мулоҳазалар, назариялар, ёндашувлар мавжудлигини инобатга олиш лозимлигини таъкидлади.

Тошкент шаҳридаги 50-умумтаълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси В. А. Костецкийнинг «Тарих дарслеклари ёзишнинг услубий муаммолари» номли маъruzасида мактаб ўқувчилари учун дарслек ёзишда қандай услубий жиҳатларга эътибор қаратилиши лозимлиги баён этилди. Жумладан, дарслеклар давлат таълим стандарти, ўқув дастури асосида яратилиши, уларда ўқувчиларнинг ёши, билим савияси, руҳий хусусиятлари, жисмоний ривожланиши даражалари, имкониятлари хисобга олиниши зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тарих фанлари доктори Д. Ҳ. Зияева ўзининг «Тарих дарслекларида XX – XXI аср жаҳон тарихининг ёритилиши» деб номланган маъruzасида бугунги глобаллашув жараёни кучайиб бораётган даврда ёшларнинг жаҳон халқлари тарихининг турли босқичларини яхши билишлари муҳим масала эканлигини, бироқ, жаҳон тарихи дарслекларида тарихий жараёнлар асосан 1990 йиллар билан чегараланганини қайд килиб, жаҳоннинг XX аср охири – XXI аср бошлари тарихини дарслек ва ўқув кўлланмаларига киритилишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таҳлил қилиб берди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг V – IX синфларида Ўзбекистон ва жаҳон тарихи бўйича ёзилган дарслекларнинг ютуқ ва камчиликларида тарих фанлари номзоди Д. М. Кенжаевнинг «Умумтаълим мактабларида тарих фани бўйича ўқув дастурларини ўзлаштириш масалалари» деб номланган маъruzасида алоҳида ургу берилди. Жумладан, Ўзбекистон ва жаҳон тарихи дарслекларида тарихий воқеа, сана, исмлар тақдим қилинишида турли ноаниқликлар ва тафовутлар мавжуд-

лиги, дарсликларнинг ўзбек ёки рус тилидаги таржималарида кўплаб камчиликлар учраши мисоллар асосида таҳлил қилинди.

Семинар йигилишининг мунозара қисмидаги ЎзР ФА Тарих институти олимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, мактабларнинг ўқитувчилари ҳамда дарсликлар муаллифлари фаол қатнашдилар. Жумладан, академик А. Р. Муҳаммаджонов, ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими Р. Р. Назаров, ЎзМУ доцентлари Т. И. Дорошенко, Т. У. Салимов, ТШПКҚТМОИ доценти М. Т. Муйдинова, Тошкент шаҳридаги 208-мактаб ўқитувчisi И. А. Попова, 64-мактаб ўқитувчisi Е. А. Асриева, Бўка туманидаги 88-мактаб ўқитувчisi У. Т. Жўраев ва бошқалар анжуман долзарб масала – дарсликлар муаммоси ечимларини излашга бағишли ганглигини ҳамда самарали ўтганлигини таъкидладилар. Семинар якунида йигилиш қарори ва таклифлари ишлаб чиқилди.

т.ф.н. Д. Кенжсаев

«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИННИГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: ЁНДАШУВЛАР ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» РЕСПУБЛИКА ЁШ ОЛИМЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҲАҚИДА

Ёш олимлар сафини кенгайтириш, улар томонидан амалга оширилаётган тадқикотларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш мақсадида 2007 йил январда ЎзР ФА Тарих институти қошида «Профессор Розия Мукминова номида республика ёш тарихчилар илмий семинари» ташкил этилди. Семинар доирасида республикамизда ижтимоий-гуманитар йўналишда фаолият юритаётган ёш тадқиқотчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, уларга институтнинг етакчи мутахассис олимлари томонидан зарур илмий-назарий йўналишлар бериш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республика ёш тарихчилар илмий семинари томонидан 2009 йил 1-2 майда ЎзР ФА Тарих институти, Ўзбекистон тарихчилар жамияти, «Келажак овози ёшлар ташабbusлари маркази» билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишилаб ўtkazilgan «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: ёндашувлар ва асосий йўналишлари» мавзусидаги ёш олимлар илмий конференцияси ҳам ана шундай тадбирлардан бир бўлди.

Анжумандада мамлакатимиз миқёсида ижтимоий-гуманитар йўналишдаги илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг магистрант, аспирант, ёш тадқиқотчилари ҳамда 35 ёшгача бўлган фан номзодлари иштирок этдилар. Шунингдек, ушбу конференцияга Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидағи институтларнинг етакчи мутахассис олимлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Халқ таълими вазирлиги муассасалари ходимлари эксперт, маслаҳатчи ва конференция меҳмонлари сифатида таклиф қилинди.

Икки кун давом этган ушбу конференцияда «Тошкент тарихи янги тадқиқотлар контекстида», «Ўзбекистон давлатчилигининг тараққиёт босқичлари», «Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари тарихи: асосий босқичлари, анъаналар ва ўзгаришлар», «Манбашунослик ва тарихшунослик масалалари: муаммо ва ечимлар», «Ўзбекистон ижтимоий ва маданий жараёнлар тарихининг долзарб масалалари», «Тарихий, анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар» масалаларига багишланган 6 та шўъба иши ташкил қилинди.

Конференциянинг ялпи йигилишида ва «Тошкент тарихи янги тадқиқотлар контекстида» мавзусидаги I шўъбада ёш олимлар томонидан республикамизнинг пойтахти Тошкентнинг қадимдан то бугунги кунгacha бўлган тарихи ҳақида маълумот берувчи маърузалар қилинди. Ушбу маърузаларда қадимда Чоч ва Шош номлари билан аталган Тошкент худудида Ўзбекистон давлатчилиги тараққиётининг муҳим босқичлари кечганлиги, шаҳар турли тарихий даврларда Буюк ипак йўлида жойлашган муҳим савдо маркази сифатида халқаро савдо алоқаларида катта роль ўйнаганлиги археологик, нумизматик ҳамда суғд, араб, форс тиллари даги ёзма манбалардаги маълумотлар асосида исботлаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти илмий ходими F. Бобоёровнинг «Зооморф шаклли таҳтда ўтирган хукмдор тасвири Чоч тангларининг талқинига доир баъзи мулоҳазалар», Самарқанд Давлат университети тадқиқотчиси А. Г. Муҳаммадиевнинг «Додекатим II – мезолит анъаналарининг қадимий даври ва маданиятлар узвийлиги» мавзусидаги илмий чиқишилари иштирокчиларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди. Шунингдек, шўъбада ёш олимлар Тошкент топономияси, шаҳар хунармандчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мустақиллик даврида унинг мамлакат пойтахти сифатидаги ролини очиб берувчи маърузалари билан чиқиш қилдилар.

«Ўзбекистон давлатчилигининг тараққиёт босқичлари»га багишланган II шўъбадаги маърузаларда мамлакатимизда шаклланган илк давлатчилик тузилмалари ва маъмурий бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда улардаги бошқарув элементларининг умумжаҳон давлат-

чилик принциплари билан уйгунилиги кўрсатиб берилди. Жумладан, Тошкент Давлат шарқшунослик институти ўқитувчisi Б. Мамараҳимованинг маъruzасида Muғ тоғи Суғд ёзма хужжатлари асосида илк ўрга асрлар Суғд давлатчилик бошқарув тизимишинг лавозимлар иерархияси ва институтларини Ўзбекистон худудида давлатчилик тарихининг бир босқичи сифатида таҳлил этилди.

М. Хатамованинг «Ижтимоий мураккаблик концепцияси ва кўчманчи жамиятлар» масаласи очиб берилган маъruzасида эса илк пайдо бўлган жамият уюшмаси ҳамда жамиятнинг ижтимоий ва маданий мураккаблиги борасида америкалик, европалик ҳамда россиялик олимларнинг қарашларини ўрганиш орқали юзага келган турли хил ёндашув ва назариялар киёсий таҳлил асосида очиб берилди. Ёш олима тадқиқотининг аҳамиятли томони шундаки, унда яхлит катта тарихий жараёнлар хусусида маълум бир назарий холосаларга келиш ҳар доим ҳам қарама-қаршилик ва мунозараларга сабаб бўлиши табиий жараён эканлиги таъкидланиши билан бирга, бирор жамиятнинг тараққиёт даражасини аниқлаш зарур бўлганида бошка анъанавий ёндашувлар билан бир қаторда илгари сурилган ёндашувлар ҳам кўйилган масаланинг тўла очиб бера олиши билан аҳамиятлилиги кўрсатиб берилди.

ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими X. Мамадалиев ўзининг «Х – XII асрларда Бағдоддаги туркий маликалар» мавзусидаги чиқишида эса илк бор араб тилидаги манбалар асосида Уйғониш даврининг муҳим марказларидан бири хисобланган Бағдоддаги туркий маликаларнинг жамият сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларидаги роли тўғрисида маълумотлар берилди. Ушбу шўъбада нафакат қадимги ва ўрга асрлардаги, балки Ўзбекистоннинг бугунги кундаги давлатчилик тараққиёти ҳамда унда ички ва глобал муаммоларни ҳал қилиш мақсадида давлат сиёсати даражасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам ёш тадқиқчилар чиқишлирида ўз аксини топди. Хусусан, ЎзР ФА Тарих институти аспиранти Б. Усмонов ҳозирда жаҳоннинг глобал муаммоларидан бири бўлган сув танқислигини бартараф этиш борасида Ўзбекистон хукуматининг сиёсати ва бу борада амалга оширилаётган тадбирларни «Мустақилик йилларида сув муаммоларини бартараф этишда давлат сиёсати» номли маъruzасида статистик маълумотлар асосида илмий жиҳатдан таҳлил қилиб берди.

Бугун Ўзбекистоннинг кисқа давр ичida ҳалқaro майдонда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлишининг асосий омилларидан бири – унинг бу борада бой тарихий тажрибага эгалигидир. Ўзбекистон худуди қадимдан Шарқ ҳамда Гарбни боғловчи муҳим восита бўлган. У ташки сиёсат ва дипломатик муносабатлар борасида бир неча минг

йиллик тажрибага эгалиги «Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари тарихи: асосий босқичлари, анъаналар ва ўзгаришлар» масаласига бағишиланган III шўъбада ёш тадқиқотчилар Ш. Кўлдошев, А. Тогаева, О. Т. Турдиқулов. О. Пирназаровлар томонидан килинган маъruzаларда ўз исботини топди.

Ўзбекистон тарихининг манбашунослик ва тарихшунослик масалаларига бағишиланган IV шўъбада ёш тадқиқотчилар Ватан тарихини ўзида акс эттирган араб, форс ва туркий тиллардаги кўлёзма манбалар, архив хужжатлари, хориж сайёҳларининг сафарномалари ҳамда уларни ўрганишда юзага келган муаммоларни кўрсатиб, ечимини топиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилар. Ушбу шўъбадаги маъruzаларда тарихий асарлар билан бирга адабий жанрдаги асарларнинг Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги роли очиб берилди. Тарих институти илмий ходимлари Г. Султонова, Н. Хидирова, Ф. Шомукарамовалар ҳамда ЎзРФА Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари О. Жўрабоев ҳамда Д. Ҳамроева, Намангандавлат университети аспиранти А. Эркўзиевларнинг маъruzалари манбашунослик ва тарихшунослик йўналишида ёш олимлар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг ўзига хос жиҳатларини кўриш имконини берди.

Шунингдек, конференция таркибида Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тарихи, мамлакат ҳудудида кечган этник ҳамда этномаданий жараёнлар каби масалаларни ўзида қамраб олган шўъбалар ҳам фаолият кўрсатди. К. Пардаев, С. Маткаримова, У. Мансуров, З. Мирзаева, М. Расуловларнинг чиқишиларида Ўзбекистон тарихида кечган ўзига хос ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараёнлар ўз талқинини топган бўлса, Я. Турдибоевнинг «Иқтисодий этнологиянинг назарий муаммолари», А. Э. Курбоновнинг «Шимолий Сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий дехқончилик фаолияти», М. Файзулаеванинг «Ўзбек миллий таомларига хос ижтимоий-маданий анъаналар» каби маъruzаларида Ўзбекистон аҳолисининг ўзига хос маданияти, урф-одат ҳамда анъаналари этнографик материаллар асосида ёритиб берилди.

Умуман олганда, конференцияда Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимларнинг ўзига хос қарашлари ва янги илмий холосаларида ўз талқинини топди. Конференция иши қизгин баҳс-мунозара асосида, давра сухбати тарзида ташкил этилди. Маъruzачилар томонидан олиб чиқилган масалаларни ёритишда муаммовий ёндашувга катта эътибор қаратилиб, баҳс-мунозараларда илгари сурилган илмий-назарий фикрлар юзасидан якуний илмий холосалар тақдим қилинди.

Конференция катнашчилари ҳамда етакчи мутахассис олимлардан иборат маҳсус эксперт комиссияси эътирофига сазовор бўлган ва энг

яхши илмий маърузачи, деб топилган ёш тадқиқотчилар 1, 2, 3-даражали диплом билан тақдирланди. Шунингдек, анжуман сўнггида конференция иштирокчиларига сертификатлар топширилди.

Мазкур анжуман ёш тарихчилар томонидан Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейига қўшилган муносаб хисса бўлди. АФ ғеъ – измеш. И

т.ф.н. Г. Султонова

и.ф.т.нињоҳ йимик ветка иттитчилик институт – вакофа. И

и.ф.т.нињоҳ иштирокчилари иштирокчилари – вакофа. Э

и.ф.т.нињоҳ йимик ветка иттитчилик институт – вакофа. И

Муаллифлар ҳақида маълумот

М. Хатамова – ТДПУ аспиранти.

Н. Тошев – ЎзР ФА Шарқшунослик институти докторанти.

С. Мадъярова – ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими.

Ш. Асадова – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

С. Ахмедов – Озарбайжон Республикаси элчихонаси иккинчи котиби, т.ф.н.

М. Зейналова – Озарбайжон Давлат тарихи музейи илмий-жамгарма ишлари бўйича директор ўринбосари.

Д. Дутураева – ЎзР ФА Тарих институти аспиранти.

М. Зикруллаев – Тошкент Ислом университети аспиранти.

Д. Кенжаев – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

Г. Султонова – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

Журнал муковасида Фаргона водийсидан топилган XI – XII асрларга оид керамик мухр тасвири туширилган.

На обложке журнала изображен керамический штамп XI – XII веков, найденный при раскопках в Ферганской долине.

Узумча тарзи таъбиетинида Узбекистон таржининг ёзарб масалалари дар оларни чечим кесарлари ва ташкимчай куссини берди. Узбекистон тарзи конференция или юнани бахс-муковора босиди, дарё суннаб тарзи ташкил этиди. Маружиний ташкимчайнига чиннатига масалаларни сиртишин мувоффий бисмугуага катта ёзарб каратилиб, бахс-муковозарнига яхши сурорига яланги ташкимчайнига ташкил ишуми ишми ташкимчайнига яланги.

Конференция сийнайтидан жадид очакчи мутасобий мактубарни таъсирлаб масус захорт замониниң замонида саловор булган шакони

Индекс 1027

110
4550c

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2009. № 2